

---

## Қарор ва ижро

КЎЧАЛАРГА 3,2 КМ АСФАЛЪТ БОСИЛИБ, 10,7 КМ ҚИСМИ ШАҒАЛЛАШТИРИЛДИ

Туманимиз маҳаллаларининг инфратузилмасини яхшилаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги 408-қарори бўйича маҳаллалар кўчаларини асфальтлаштириш ва шағаллаштириш бўйича ишлар якунига етказилди. Ижодкор, Янгиобод, Иттифоқ, Дўстлик, Чўлигулистон ҳамда Баҳор МФЙлари кўчаларининг 3,2 километр қисми шағал ётқизилиб, асфальт босилди. Шунингдек Марказий Фарғона, Юқори, Сойбўйи, Қоратепа ва Ёшлик МФЙлари кўчаларининг 10,7 километри шағаллаштирилди. Инфратузилмаси яхшиланган МФЙларда яшаётган фуқаролар кўчаларида амалга оширилган ишлардан мамнун. Бу ишларнинг бошида турган инсонларни дуо қилишмоқда.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-03-25 15:46:25